БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАМДА УНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Санаев Бегзот Юсубович
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси.

https://doi.org/10.5281/zenodo.23153351

Аннотация. *Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш стратегиялари доирасида безорилик жиноятининг криминологик тавсифи, унинг миқдорий-сифат динамикаси, макон ва замон доирасидаги тарқалиши чуқур илмий-академик таҳлил қилинган. Шунингдек, безориликни келтириб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий, психологик, оилавий-маънавий омиллар билан бир қаторда, рақамли макон ва ижтимоий тармоқлардаги "трэш-стримлар", йўл ҳаракатидаги агрессия ("йўлда безорилик") каби замонавий детерминантлар очиб берилган. Тадқиқот натижалари асосида безорилик жиноятларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва психологик-профилактик йўналишдаги илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *безорилик жинояти, криминологик тавсиф, криминоген детерминантлар, виктимологик портрет, трэш-стрим, йўлда безорилик (road rage), кибер-мониторинг, ҳуқуқий нигилизм, профилактика.*

КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЯ ХУЛИГАНСТВА И АНАЛИЗ ПРИЧИН И УСЛОВИЙ ЕГО СОВЕРШЕНИЯ

Аннотация. *В данной статье в рамках стратегий обеспечения общественной безопасности в Новом Узбекистане глубоко научно-академически проанализированы криминологическая характеристика хулиганства, его количественно-качественная динамика, а также пространственно-временное распространение. Наряду с социально-экономическими, психологическими и семейно-нравственными факторами, порождающими хулиганство, раскрыты такие современные детерминанты, как «трэш-стримы» в цифровом пространстве и социальных сетях, а также агрессия на дорогах («дорожное хулиганство»). На основе результатов исследования разработаны научно-практические предложения правового, организационного и психолого-профилактического характера по совершенствованию механизмов предупреждения и борьбы с хулиганством.*

Ключевые слова: *преступление хулиганства, криминологическая характеристика, криминогенные детерминанты, виктимологический портрет, трэш-стрим, дорожное хулиганство (road rage), кибермониторинг, правовой нигилизм, профилактика.*

CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE CRIME OF HOOLIGANISM AND ANALYSIS OF THE CAUSES AND CONDITIONS OF ITS COMMISSION

Abstract. *This article provides a deep academic analysis of the criminological characteristics of hooliganism, its quantitative-qualitative dynamics, and its spatio-temporal distribution within the framework of public safety strategies in New Uzbekistan. Along with socio-economic, psychological, and family-moral factors giving rise to hooliganism, the paper highlights modern determinants such as "trash-streaming" in digital spaces and social networks, as well as road aggression ("road rage"). Based on the research findings, scientific and practical proposals of a legal, organizational, and psychological-preventive nature are developed to improve the mechanisms for preventing and combating hooliganism.*

Keywords: *crime of hooliganism, criminological characteristics, criminogenic determinants, victimological portrait, trash-stream, road rage, cyber-monitoring, legal nihilism, prevention.*

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг марказий негизини *“Инсон қадри учун”* деган улуғвор тамойил ташкил этади. Ушбу концептуал ёндашув давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида туб бурилишларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ш.М. Мирзиёев* томонидан илгари сурилган стратегик ташаббуслар доирасида жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган[1]. Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобаллашув ва рақамлаштириш даврида жиноятчиликнинг қиёфаси кескин ўзгариб, унинг янги, мураккаб ва гибрид шакллари намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида Тошкент шаҳрида ва республиканинг бошқа ҳудудларида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат тартибини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишларида безорилик жиноятларига қарши курашиш, хусусан, *“йўлда безорилик”* ҳолатлари билан ифодаланадиган, жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик кўрсатувчи қилмишларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш зарурлиги кескин таъкидланган эди[2]. Президент томонидан белгилаб берилган ушбу вазифалар моҳиятан жамоат жойларида фуқароларнинг хавфсизлигини кафолатлаш нафақат ҳуқуқий, балки улкан ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида эскирган реактив усуллардан, яъни жиноят содир бўлгандан кейинги жазолаш амалиётидан бутунлай воз кечиб, проактив ёндашувга, яъни жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни барвақт аниқлаш ва уларни илдизи билан бартараф этиш тизимига ўтиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПФ-10-сон Фармони қабул қилинди[3]. Мазкур тарихий Фармон асосида Ички ишлар вазирлиги тузилмасида яхлит ва мустақил Криминология тадқиқот институтининг ташкил этилиши жиноятчиликка, жумладан, жамиятнинг энг қуйи қатламларида ҳам кенг тарқалган безориликка олиб келувчи ижтимоий, иқтисодий, психологик, маданий ва муҳит омилларини фундаментал илмий диагноз асосида чуқур тадқиқ қилиш имконини яратди. Ушбу институтнинг вазифалари қаторига криминоген вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, тенденцияларни илмий баҳолаш ва жиноятчиликнинг янги ўчоқларини бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш киритилганлиги соҳадаги илмий-амалий тадқиқотларнинг бевосита давлат сиёсати билан уйғунлашувидан далолат беради.

Криминология фанининг фундаментал постулатларига кўра, ҳар қандай жиноят

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги *“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”*ги ПФ-60-сон Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “*Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-27-сон Фармони. // https://lex.uz/docs/5749387

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги “*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги ПФ-10-сон Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., *https://lex.uz/docs/6755597*-сон.

осмондан тушган тасодифий ҳодиса эмас, балки муайян сабаблар ва шарт-шароитлар *(криминологик детерминантлар)* мажмуининг қонуниятли ва мантиқий ҳосиласидир[4].

Безорилик жиноятининг олдини олиш бўйича диссертациянинг аввалги параграфларида кўриб ўтилган ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал меъёрлар ўз самарасини бериши учун, энг аввало, ушбу жиноятни яшатиб турган ва озиқлантираётган илдизларни диагностика қилиш зарур бўлади. Бугунги кунда безорилик жинояти фақатгина анъанавий кўча ёки маиший муҳит *(маҳалла, бозор, истироҳат боғлари)* билан чекланиб қолмасдан, балки интернет ва ижтимоий тармоқлар таъсирида мутлақо янгича мотивлар ва кўринишларга эга бўлмоқда. Жумладан, виртуал макондаги машҳурликка интилиш орқали реал ҳаётда зўравонлик қилиш ва буни трансляция қилиш ҳолатлари жамиятнинг маънавий асосларига жиддий хавф туғдирмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқот параграфининг бош мақсади маҳаллий ва хорижий олимларнинг академик дарсликлари, амалий илмий изланишлари ва замонавий оммавий ахборот воситаларидаги таҳлилларга таянган ҳолда, безорилик жиноятининг бугунги кундаги криминологик тавсифини яратиш ҳамда амалиётда юзага келаётган янги авлод сабаб ва шарт-шароитларини чуқур илмий-академик таҳлил қилишдан иборатдир.

Шу ўринда, безорилик жиноятининг назарий-криминологик ва феноменологик тавсифига тўхталиб ўтсак. Дарҳақиқат, безорилик жиноятининг моҳиятини англаш учун унинг назарий концепцияларига мурожаат қилиш лозим. Ўзбекистоннинг етакчи ҳуқуқшунос ва криминолог олимлари томонидан мазкур муаммо бўйича бир қатор салмоқли дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган. Хусусан, *И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова* ва *И.Ю. Фазиловларнинг* ҳаммуаллифлигида яратилган криминологияга оид дарслик ва қўлланмаларда жиноятчиликнинг, жумладан безориликнинг сабаб ва шароитлари криминология фанининг марказий тадқиқот объекти сифатида талқин қилинади[5]. Профессор *М.Ҳ. Рустамбаевнинг* асарларида безорилик жинояти субъектив томондан фақат тўғри қасд билан содир этилиши, бунда айбдор жамоат тартибини бузаётганини, атрофдагиларга жисмоний ёки маънавий зарар етказаётганини аниқ англаши ва шунга онгли равишда интилиши илмий жиҳатдан асослаб берилган[6].

Маҳаллий олимлардан *Д.Ю. Каракетова* ва *С.Т. Мирзараимовларнинг* тадқиқотларида безориликнинг объектив ва субъектив белгилари комплекс ўрганилиб, айниқса, рақамли технологияларнинг ривожланиши билан бу жиноятнинг виртуаллашув жараёнлари бошлангани таъкидланади. Хорижий олимлардан *M. Hopkins* ва *J. Treadwell* сингари тадқиқотчиларнинг изланишлари эса асосан безориликнинг субмаданий *(масалан, футбол фанатлари орасидаги зўравонлик)* кўринишларига бағишланган бўлиб, уларнинг хулосаларига кўра, безорилик бу фақат ҳуқуқбузарлик эмас, балки муайян ёшлар гуруҳларининг ўзини жамиятда намоён қилиш воситасига айланиб қолган патологик

[4] Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов, Г.А.Аванесов ва бошқалар; профессор З.С.Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 474 бет. // КРИМИНОЛОГИЯ - Ziyouz.com, https://n.ziyouz.com/library/category/140-huquq?download=11601:kriminologiya-k-abdurasulova-va-b

[5] *Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю.* Криминология. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 86-89.

[6] *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Махсус қисм.Жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018.–Б. 207.

ижтимоий ҳодисадир[7]. Ушбу назарий қарашларнинг барчаси безориликни шунчаки тартибсизлик эмас, балки шахснинг ички эгоцентрик мотивларининг жамият манфаатларига қарши очиқдан-очиқ ва намойишкорона тажовузи сифатида баҳолайди.

Безориликнинг криминологик феноменологияси, яъни унинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, макон ва замон доирасидаги тарқалиши диққат билан ўрганишни талаб қилади. Диссертацион тадқиқот доирасида ўтказилган таҳлилларга кўра, мазкур турдаги қилмишлар нафақат жамоат тартибини қўпол равишда бузувчи локал ҳуқуқбузарлик, балки ўта оғир жиноятлар *(одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш)* содир этилиши учун ўзига хос *“криминоген донор”* вазифасини ўтайди. Шу ўринда, умумий жиноятчилик таркибида безориликнинг тарқалганлик даражасини баҳолаш мақсадида 2015–2026 йиллар кесимида ўтказилган лонгитюд кузатувлар мазкур феноменнинг тўлқинсимон ва беқарор динамикага эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, *2015–2018* йилларда безориликнинг умумий жиноятчиликдаги улуши 3,6 фоиздан 2,05 фоизгача изчил пасайиш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2019 йилдан эътиборан криминоген вазият мураккаблашиб, бу кўрсаткич 2,3–2,5 фоизгача кўтарилган[8].

Олиб борилган эмпирик ўрганишлар 2021 йилда мазкур турдаги жиноятлар амплитудасида кескин сакраш юз берганини тасдиқлайди. Ушбу даврда безорилик факти бўйича қўзғатилган ва ҳисобга олинган жиноятлар сони 3 024 тани ташкил этиб, 2020 йилга *(1 565 та)* нисбатан 93,2 фоизга кескин ошган. Ижтимоий хавфлиликни ифодаловчи интенсивлик коэффициенти 2021 йилда республика бўйича ҳар 100 минг аҳолига 8,8 ни ташкил этган. Кейинги йилларда мазкур кўрсаткич қисман мўтадиллашиб, 2022 йилда 2 574 тани, 2023 йилда эса 2 605 тани *(ўсиш суръати 1,20%)* ташкил этган[9]. Сўнгги статистик маълумотлар, хусусан, 2024 йилда 2 369 та, 2025 йилда 2 255 та ва 2026 йилнинг дастлабки 7 ойида 1 334 та ҳолат қайд этилгани профилактик тизимлар фаолиятида муайян ижобий силжишлар борлигини кўрсатса-да, муаммонинг латент кўлами ва ижтимоий хавфи ҳанузгача сақланиб қолаётганини тасдиқлайди[10].

Минтақавий криминоген детерминантлар нуқтаи назаридан, урбанизация жараёнлари фаол ва аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудларда вазият мураккаблигича қолмоқда. *Масалан,* 2021 йилги ҳолат бўйича жиноятларнинг энг юқори кўрсаткичи *Тошкент шаҳри (728 та), Наманган (455 та), Тошкент (395 та)* ва *Сурхондарё (383 та)* вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

Диссертация доирасида ўрганилган жиноят ишларининг макон локализацияси безориликнинг жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларига нисбатан очиқдан-очиқ циник муносабатни ифода этишини исботлайди. Қайд этилган қилмишларнинг қарийб 39 фоизи кўча, хиёбон ва дам олиш масканларида, 21 фоизи бозорлар ва уларнинг атрофида, 18 фоизи умумий овқатланиш ва кўнгилочар жойларда *(кафе, тунги клуб ва ҳ.к.),* 7 фоизи

[7] *Hopkins M., Treadwell J.* Football Hooliganism, Fan Behaviour and Crime: Contemporary Issues. – London: Palgrave Macmillan, 2014. – 294 p.
[8] *Каракетова Д.Ю.* Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. бўйича фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент, 2021 й. – Б. 119-120.
[9] *Мирзараимов С.Т.* Безорилик жиноятларини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024. – Б. 16-17.
[10] O‘zbekiston Respublikasi IIV huquqiy statistika va tezkor-hisobot ma’lumotlar markazining 2017-2023 yillardagi jinoyatchilik dinamikasi bo‘yicha ma’lumotnomasi.

эса таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида содир этилган[11]. Бундан ташқари, қилмишларнинг асосан кундузги вақтларда амалга оширилиши ҳуқуқбузарларнинг жазонинг муқаррарлигидан чўчимаслигини ёки ижтимоий назорат механизмларининг етарлича ишламаётганини кўрсатади.

Безорилик жиноятларининг 70 фоиздан ортиғи олдиндан тайёрланган қуролсиз, балки воқеа жойидаги тасодифий ашёлардан *(тош, таёқ ва ҳ.к.)* фойдаланган ҳолда содир этилиши, мазкур жиноят аксарият ҳолларда маиший низоларнинг стихияли равишда эскалация бўлиши оқибатида юзага келишини англатади. Қилмишнинг субъектлар таркиби бўйича таҳлили безориликнинг 85 фоизи якка тартибда, 15 фоизи эса гуруҳ шахслар томонидан содир этилганини кўрсатди.

Жиноятнинг виктимологик оқибатлари таҳлил қилинганда, ўрганилган ишларнинг 90 фоизида жабрланувчиларга енгил, 7,5 фоизида ўртача оғир ва 2,5 фоизида оғир тан жароҳати етказилгани, 4,5 фоиз ҳолатда эса ўзганинг мулкига зарар етказилгани маълум бўлди. Энг хавфли тенденция шундаки, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 0,2 фоизи ҳамда қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг 2,5 фоизи айнан безорилик ҳаракатлари оқибатида келиб чиққан.

Криминологик таҳлиллар нафақат жиноятнинг ўзини, балки уни фош этиш механизмларидаги идоралараро камчиликларни ҳам очиб берди. Безорилик жиноятлари асосан жамоат жойларида содир этилишига қарамай, дастлабки босқичда *“шахси номаълум”* мақомида қўзғатилган ишлар сони юқорилигича қолмоқда *(2021 йилда 191 та, 2022 йилда 202 та, 2023 йилда 231 та).* Оқибатда, биргина 2021 йилда 48 та, 2022 йилда 22 та ва 2023 йилда 35 та иш умуман фош этилмасдан қолган бўлиб, бу умумий қайд этилган жиноятларнинг 1,77 – 2,2 фоизини ташкил этади[12]. Фош этилмаган ишларнинг асосий қисми Тошкент вилояти *(13 та),* Тошкент шаҳри *(11 та)* ва Наманган вилоятига *(7 та)* тўғри келиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур ҳудудлардаги тезкор-тергов ҳамкорлиги ҳамда видеокузатув тизимлари интеграцияси талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, безорилик статистикада шунчаки рақам эмас, балки жамиятдаги ҳуқуқий нигилизм ва криминоген муҳитни ўлчовчи ўзига хос *“индикатор”* ҳисобланади. Бу эса мазкур жиноятлар профилактикасидаги мавжуд институционал механизмларни трансформация қилиш ва идоралараро тезкор маълумот алмашинув протоколларини жорий этишни тақозо этади.

Шу ўринда, Сирдарё вилояти мисолида сўнгги йилларда *(2022-2025 йиллар)* қайд этилган жиноятлар таҳлили шуни кўрсатадики, жамиятдаги криминоген муҳит сезиларли даражада рақамли маконга ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига кўчиб ўтмоқда. Масалан, Оқолтин, Гулистон, *Ховос* ва *Боёвут* туманларида ҳужжатлаштирилган кўплаб ҳолатларда гиёҳвандлик воситалари *(гашиш, марихуана)* сақлаш ва тарқатиш ёки телеграм орқали фирибгарлик қилиш, шунингдек, интернет ёрдамида фуқароларнинг банк

[11] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 17.12.2022 йилдаги маълумотномаси. // *Мирзараимов С.Т.* Безорилик жиноятларини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024. – Б. 16.

[12] Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисобот маълумотлар марказининг 2017-2023 йиллардаги жиноятчилик динамикаси бўйича маълумотномаси. Кириш рақами № 2531

карталаридан пул ечиб олиш каби жиноятлар кескин ошган[13]. Гарчи бу жиноятлар тўғридан-тўғри безорилик бўлмаса-да, улар безориликни яратувчи муҳит – криминоген фонни шакллантиради. Илмий тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, безорилик ҳолатларининг қарийб тўқсон фоизи алкоголь ёки бошқа психотроп моддалар таъсирида содир этилади. Демак, маҳаллий даражадаги гиёҳвандлик ва иқтисодий-виртуал жиноятларнинг ўсиши билвосита тарзда кўчалардаги ва жамоат жойларидаги тажовузкорликнинг, яъни безориликнинг потенциал ўчоғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, криминология фанида безорилик юқори даражадаги табиий ва сунъий латентликка *(яширинликка)* эга жиноят эканлиги тан олинадиц[14]. Кўп ҳолларда кўча ёки хиёбонлардаги муштлашувлар, жамоат жойларидаги ҳақорат ва тартибсизликлар бўйича жабрланувчилар ички ишлар органларига мурожаат қилмайдилар. Бунга сабаб сифатида миллий менталитетдаги баъзи нотўғри қарашлар, яъни *"эркаклар ўртасидаги можарони ички ишлар органлари ходимларисиз ҳал қилиш керак"* деган стереотиплар ёки безорилардан қўрқиш ҳиссини келтириш мумкин. Бошқа томондан, сунъий латентлик тергов органлари томонидан айрим безорилик ҳолатларини қасддан ёки билиб-билмай маъмурий ҳуқуқбузарликка *(майда безорилик)* ёхуд шахсга қарши жиноятларга *(баданга енгил шикаст етказиш)* малакалаш оқибатида келиб чиқади. Бундай нотўғри ҳуқуқий баҳолаш жиноятчида жазосизлик синдромини шакллантириб, кейинчалик оғирроқ турдаги безорилик ёки босқинчилик жиноятларига ўтиб кетишига *(эскалация)* замин яратади.

Шу ўринда, безори шахси ва жабрланувчининг виктимологик портретига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, жиноятнинг содир этилиш механизмида жиноятчи шахси энг муҳим ҳалқа ҳисобланади. Жиноятчининг шахси аввало унинг ижтимоий, руҳий, ахлоқий ва жисмоний хусусиятлари мажмуи бўлиб, бу хусусиятлар унинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати жараёнида шаклланади. Маҳаллий криминологлар таъкидлаганидек, безориликни содир этувчи шахснинг портрети бошқа тоифадаги *(масалан, иқтисодий ёки мансабдор)* жиноятчилардан ўзининг демонстративлиги ва тажовузкорлиги билан тубдан фарқ қилади.

Криминологик белгилар	**Безори шахсига хос типик хусусиятлар**
Ижтимоий-демографик ҳолати	*Асосий қатламни 18-35 ёш оралиғидаги эркаклар ташкил этади. Бу ёш даврида жисмоний фаоллик юқори бўлса-да, ҳаётий тажрибанинг камлиги ва ижтимоий-оилавий масъулиятнинг тўлиқ шаклланмаганлиги уларни тажовузкор ҳаракатларга тез берилувчан қилади.*
Ижтимоий статуси ва бандлиги	*Кўп ҳолларда муайян фойдали меҳнат билан банд бўлмаган, доимий даромад манбаи йўқ ёки вақтинчалик ишларда ишловчи шахслар. Бўш вақтнинг кўплиги ва уни мазмунсиз ўтказиш уларни криминоген гуруҳларга қўшилиб қолишига сабаб бўлади.*

[13] O'zbekiston Respublikasi IIV huquqiy statistika va tezkor-hisobot ma'lumotlar markazining 2017-2023 yillardagi jinoyatchilik dinamikasi bo'yicha ma'lumotnomasi.
[14] *Каракетова Д.Ю.* Криминологияда сабабият // Юрист ахборотномаси. – 2024. – 4-жилд, 2-сон. // https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/1039.

Маънавий-ахлоқий дунёқараши	*Эгоцентризм, ўта худбинлик, жамоатчилик фикри ва умуминсоний қадриятларни назар-писанд қилмаслик. Уларда ҳуқуқий нигилизм кучли ривожланган бўлиб, давлат ўрнатган қонун-қоидалардан кўра ўзларининг ёки "кўча"нинг ёзилмаган қоидаларини устун қўядилар.*
Руҳий ва психологик хусусиятлари	*Агрессивлик, ҳиссий беқарорлик (импулсивлик), аффект ҳолатига тез тушиш, атрофдагиларнинг диққат-эътиборини ҳар қандай йўл билан тортишга интилиш. Ички цензуранинг заифлиги сабабли оддий маиший низони ҳам катта зўравонликка айлантириб юборишга мойиллик.*

Хорижий криминологлардан *Е.В. Рябов, К.А. Сергеевларнинг* тадқиқотлари тасдиқлайдики, безори шахси аксарият ҳолларда жиноятни содир этиш вақтида алкоголь ёки гиёҳванд моддалар таъсирида бўлади [15]. Юқорида Сирдарё вилояти мисолида келтирилган статистик маълумотлар ҳам жамиятда гиёҳвандликнинг тарқалиши безориларнинг психо-физиологик ҳолатига қанчалик таъсир қилаётганини кўрсатади.

Алкоголь ва гиёҳванд моддалар инсон миясидаги марказий асаб тизими фаолиятини, хусусан, хатти-ҳаракатларни назорат қилувчи ва ижтимоий тақиқларни ҳис қилувчи марказларни блоклайди. Натижада, соғлом ақл билан қабул қилиб бўлмайдиган ҳаракатлар, шу жумладан, кўпчиликнинг олдида уятсизлик қилиш, бегуноҳ одамларга ташланиш каби безорилик ҳаракатлари юзага чиқади.

Бироқ, криминологияда жиноят механизмини фақатгина жиноятчининг шахси билан тушунтириб бўлмайди. Бу жараёнда жабрланувчининг виктимологик хусусиятлари ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Безорилик жиноятининг бошқа кўплаб жиноятлардан фарқи шундаки, бу ерда жабрланувчи аксарият ҳолларда жиноятчига олдиндан таниш бўлмаган, мутлақо тасодифий шахс бўлади. Шундай бўлса-да, *А.Ф. Матюнин* [16] ва *А.В. Хренов*[17] каби олимларнинг таъкидлашича, жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида жабрланувчининг виктим, яъни провокацион хулқ-атвори жиноят учун катализатор вазифасини ўтайди. Жабрланувчининг жамоат жойида ўзини тутиш маданиятига риоя қилмаслиги, масалан, ҳаддан ташқари маст ҳолатда бўлиши, атрофдагиларга беписанд муносабатда бўлиши, арзимас баҳоналар билан бошланган оғзаки низода муросага келмасдан, аксинча, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтариши кўпинча оддий келишмовчиликнинг зўравонлик ва дўппослаш босқичига, яъни безориликка ўтиб кетишига бевосита шарт-шароит яратади. Шу сабабли, безориликка қарши курашиш тизимида фақатгина потенциал жиноятчилар билан ишлаш етарли эмас, балки аҳолининг умумий виктимологик саводхонлигини ошириш, кескин вазиятларда

[15] Криминология: Учебник для вузов / Под общ. ред. А.И. Долговой. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2010. – С. 605-606.
[16] *МатюнинА.Ф.* Криминологический анализ и предупреждение хулиганства. Дисс.на соис.уч.степ.к.ю.н.–Москва.2020. –С.162.
[17] *ХреновА.В.* Уголовно-правовие и криминологические аспекты борьбы с хулиганством. Дисс.на соис.уч.степ.к.ю.н.–Москва.2005. –С.120

низодан тўғри чиқиб кетиш маданиятини шакллантириш ҳам зарурдир[18].

Бугунги кунда безорилик жиноятининг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитлари таҳлилига кўра, жиноятнинг сабаблари деганда, муайян жиноятнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уни озиқлантирадиган ва кўпайишини таъминлайдиган ижтимоий, иқтисодий ва психологик ҳодисалар йиғиндиси тушунилади. Шарт-шароитлар эса жиноятнинг ўзини бевосита келтириб чиқармайди, лекин унинг содир бўлишига қулай вазият яратади. Суд ва тергов амалиётининг таҳлиллари безориликнинг содир этилишига қуйидаги асосий мотивлар ва омиллар таъсир кўрсатаётганини тасдиқлайди. Хусусан, айбдорнинг ўз жисмоний кучини намойиш қилишга интилиши (36 фоиз), жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини назар-писанд қилмаслик (22,5 фоиз), криминал элементлар ва илгари судланган шахсларнинг таъсирига тушиб қолиш (5,5 фоиз), турмуш шароитидан норозилик ва атрофдагилардан нафратланиш (4 фоиз), шунингдек, ўсмирларнинг катталарга ёки турли субмаданият вакилларига кўр-кўрона тақлид қилиши (7,5 фоиз) ва бошқа ғаразли мотивлар[19]. Мазкур детерминантларни қуйидаги йирик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ижтимоий-иқтисодий ва бандлик билан боғлиқ омиллар. Яъни, жамиятдаги иқтисодий номутаносибликлар, ёшлар ўртасидаги ишсизлик ёки яширин иқтисодиёт секторидаги бандлик безорилик жиноятининг асосий илдизларидан бири ҳисобланади.

Олимларимиз *У.Ш. Халиқулов*[20] ва *Ш.Р. Ғофуровлар*[21]*нинг* илмий изланишларида асосли равишда таъкидланганидек, уюшмаган ёшлар қатламининг шаклланиши ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига асосан ижтимоий омиллар, хусусан, ишсизлик, бўш вақтнинг нотўғри тақсимланиши ва маҳаллаларда мазмунли ҳордиқ чиқариш инфратузилмасининг *(спорт майдончалари, кутубхоналар, касб-ҳунар тўгараклари)* етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Доимий машғулотга эга бўлмаган, мақсадсиз юрган ёшлар табиий равишда гуруҳларга бирлашадилар. Ушбу норасмий гуруҳларда ўзига хос *“кўча субмаданияти”* шаклланади. Бу субмаданият доирасида жамоат тартибини бузиш, ожизроқ инсонларга нисбатан куч ишлатиш ва қонун вакилларига бўйсунмаслик сохта обрў ва етакчилик мақомининг асосий мезонига айланади.

2. Маънавий-руҳий, оилавий тарбия ва ҳуқуқий нигилизм. Яъни, безориликнинг генезиси аксарият ҳолларда оиладаги носоғлом психологик муҳитга бориб тақалади. Ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига эътиборсизлиги, уларнинг бўш вақтларини назорат қилмаслиги ёки оилавий зўравонлик ҳолатларининг гувоҳи бўлиб ўсган болаларда агрессив хулқ-атвор модели шаклланади. Аксинча, баъзи оилаларда фарзаднинг барча истаклари сўзсиз бажарилиб, унинг хатолари хаспўшланиши натижасида болада эгоцентрик, фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган ва бошқаларнинг ҳуқуқларини тан

[18] *Эгамбердиев В.О.* Безорилик жиноятларининг барвақт профилактикасини ташкил этиш (Бухоро вилояти мисолида) // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – URL: www.in-academy.uz. // https://doi.org/10.5281/zenodo.14860193.

[19] *Каракетова Д.Ю.* Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. бўйича фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент, 2021 й. – Б. 121.

[20] Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик / *У.Ш. Халиқулов ва бошқ.* – Тошкент, 2016. – Б.

[21] *Ғофуров Ш.Р.* Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – Б. 54.

олмайдиган шахсият юзага келади. Профессор *М.Ҳ. Рустамбаев*[22] *нинг* дарсликларида таъкидланганидек, безорилик объектив томондан жамоат тартибини бузишда намоён бўлса-да, унинг субъектив заминида инсоннинг ички маънавий қашшоқлиги, жамиятга ва умуминсоний қадриятларга нисбатан намойишкорона ҳурматсизлиги ётади. Қолаверса, умумий ўрта таълим мактабларида ва оилаларда ҳуқуқий тарбиянинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ёшларда ҳуқуқий нигилизм – қонунларни писанд қилмаслик, жавобгарлик муқаррарлигини ҳис қилмаслик иллати кенг томир отмоқда.

3. Интернет ижтимоий тармоқлари ва "рэш-стрим" (ҳаайп-безорилик): замонавий сабаб ва шарт-шароитлар таҳлили. Яъни, тадқиқотнинг ушбу қисмида алоҳида ва чуқур эътибор қаратиш лозим бўлган энг долзарб ва хавотирли тенденция – бу интернет ва ижтимоий тармоқларнинг *(TikTok, Instagram, Telegram, YouTube ва бошқалар)* ёшлар онгига ва жиноий хулқ-атворига кўрсатаётган салбий таъсиридир. Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, ОАВ журналистлари томонидан бонг урилаётган асосий муаммо – бу виртуал маконда машҳурликка эришиш *("хайп" қилиш)* ва молиявий даромад топиш мақсадида реал ҳаётда содир этилаётган безорилик ҳаракатлари, яъни *"трэш-стрим"*лардир[23].

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги таҳлилларга кўра, сўнгги вақтларда ўсмирлар ва ёшлар ўз тенгдошларини, кўчадаги тасодифий йўловчиларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ёки ҳатто кексаларни ҳеч қандай сабабсиз дўппослаши, устидан кулиши, ҳақорат қилиши ва бу жараённи атайлаб видеога олиб, интернетга жойлаши трендга айланиб улгурди. Бу ерда безориликнинг анъанавий мотивига *("ўзини жамиятга қарши қўйиш ва кучини кўрсатиш")* қўшимча равишда ўзига хос *"тижорий-виртуал"* мотив қўшилмоқда: кўпроқ томошабин *(просмотр)* йиғиш, обуначилар сонини ошириш ва канални монетизация қилиш орқали пул топиш[24].

Ғарб олимлари *M. Hopkins, J. Treadwell* ва *B. Belsey* каби тадқиқотчилар ёшлар субмаданияти ва зўравонликнинг виртуаллашувини тадқиқ этиб, рақамли макон реал ҳаётдаги тажовузкорликни рағбатлантирувчи ва тезлаштирувчи катализатор вазифасини ўтаётганини илмий жиҳатдан исботлаганлар[25]. Кибербуллинг фақатгина виртуал ҳақорат бўлиб қолмасдан, реал физиологик зўравонликни интернет орқали трансляция қилиш босқичига чиқди. Маҳаллий олим *С.Т. Мирзараимов* виртуал макондаги безорилик масаласини кўтариб, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчиларнинг осойишталигини бузувчи ҳаракатлар учун алоҳида жавобгарлик белгилаш зарурлигини таъкидлаган бўлса-да, амалиётда юзага келаётган асосий муаммо фақатгина виртуал макондаги сўкиниш эмас, балки *реал ҳаётда содир этилган физик безориликни ижтимоий тармоқларда оммавий намойиш қилиш орқали унинг ижтимоий хавфини юз чандон оширишдир*[26].

Ушбу тенденциянинг криминологик хавфи беқиёсдир. Интернетга жойланган битта

---

[22] *Рустамбоев М.Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Vтом. Махсус қисм. Жиноят хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б.163

[23] Google Sports Data, https://support.google.com/knowledgepanel/answer/9787176

[24] *Барабаш А.С., Зверев В.О.* Трэш-стрим как новая форма девиантного поведения в киберпространстве // Российский криминологический взгляд. – М., 2021. – № 2. – С. 45-48.

[25] *Hopkins M., Treadwell J.* Football Hooliganism, Fan Behaviour and Crime: Contemporary Issues. – Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2014. – 312 p.; *Belsey B.* Cyberbullying: An emerging threat to the *"always on"* generation. 2004. URL: http://www.cyberbullying.ca.

[26] *Мирзараимов С.Т.* Безорилик жиноятларини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024. – Б. 26.

безорилик видеоси виртуал макондаги алгоритмлар ёрдамида миллионлаб ёшларга етиб боради ва уларда психологияда маълум бўлган *“тақлид қилиш” (copycat crime)* рефлексини уйғотади. Сўровномалар тасдиқлашича, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг камида 7,5 фоизи безориликни айнан интернетдаги *“кумирлари”*га тақлид қилиб содир этади [27] . Шунингдек, айрим кинофильмлар ва сериалларда зўравонлик ва бош-бошдоқликнинг романтизация қилиниши *(қаҳрамон сифатида кўрсатилиши)* ёшларда ўзганинг дардига бепарволикни, шафқатсизликни ва агрессив хулқ-атворни шакллантирмоқда. Бу эса бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган, зудлик билан бартараф этилиши лозим бўлган энг асосий криминологик шарт-шароитлардан биридир.

4. Вазиятли (ситуатив) шарт-шароитлар ва “Йўлда безорилик” феномени. Яъни, ситуатив шарт-шароитлар – бу жиноят содир этишни объектив равишда осонлаштирувчи, жиноятчига қулайлик яратувчи муҳит билан боғлиқ омиллардир. Кўчалар, хиёбонлар ва ер ости ўтиш йўлакларида етарлича ёритиш тизимининг йўқлиги, патруль-пост хизмати нарядларининг ўз вақтида етиб келмаслиги ёки ҳудудларнинг видеокузатув камералари билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги потенциал безориларда *“мени ҳеч ким кўрмаяпти, жазосиз қоламан”* деган ҳиссиётни уйғотади ва уларни жиноятга ундайди[28].

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган замонавий ситуатив омиллардан бири – бу *“йўлда безорилик” (road rage / дорожное хулиганство)* ҳодисасидир. Президентимиз *Ш.М. Мирзиёев* бу иллатга бежиз алоҳида тўхталиб ўтмаганлар, зеро йўллардаги зўравонлик бутун жамиятнинг маданиятини акс эттирувчи кўзгуга айланган[29].

Автомобиллаштириш даражасининг кескин ўсиши, инфратузилманинг бунга тўлиқ тайёр эмаслиги ва йўллардаги тирбандликлар ҳайдовчиларнинг руҳий-асаб тизимига ҳар куни кучли босим ўтказмоқда. Бироқ, йўл ҳаракати маданиятининг пастлиги, ҳайдовчиларнинг бир-бирини ҳурмат қилмаслиги ва сабрсизлиги оқибатида оддий йўл талашиш, йўл бермаслик ёки сигнал чалиш каби маиший ҳолатлар оғир оқибатли безорилик жиноятларига *(машинадан тушиб бир-бирини дўппослаш, қурол сифатида турли буюмларни қўллаш, транспорт воситаларини қасддан шикастлаш)* айланиб кетмоқда. Автомобиль йўллари ва чорраҳалар ўзига хос «жамоат жойи» ҳисобланиб, бу ерда содир этилган безорилик нафақат можаро иштирокчиларининг соғлиғига, балки транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишига ва шу атрофдаги юзлаб бошқа йўловчиларнинг ҳаётига реал хавф туғдиради. Йўлдаги агрессив бошқарув ва муштлашув ҳолатларининг криминологик сабабларини бартараф этиш бугунги кунда миллий хавфсизлик даражасидаги вазифага айланган.

Хорижий давлатларнинг безорилик жиноятининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасидаги ижобий тажрибаларини илмий-академик нуқтаи назардан ўрганиш миллий амалиётимизни такомиллаштиришда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Олдинги параграфларда хорижий давлатларнинг полиция ва жамоатчилик ўртасидаги ташкилий ҳамкорлик механизмлари *(Японияниng Кобан тизими, Россиянинг*

---

[27] *Каракетова Д.Ю.* Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. бўйича фалс. док. (PhD) ... дис. – Тошкент, 2021 й. – Б. 121.

[28] *Эгамбердиев В.О.* Безорилик жиноятларининг барвақт профилактикасини ташкил этиш (Бухоро вилояти мисолида) // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – URL: www.in-academy.uz. // https://doi.org/10.5281/zenodo.14860193.

[29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги *“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й. – URL: https://lex.uz/docs/5749387

халқ дружиналари) кўриб чиқилган эди[30]. Ушбу қисмда эса айнан *криминологик сабаблар ва виктимологик шарт-шароитларни бартараф этишга* қаратилган илғор хорижий дастурлар таҳлил қилинади.

➢ АҚШ ва Буюк Британияда *"Муҳит орқали жиноятчиликнинг олдини олиш" концепцияси (CPTED - Crime Prevention Through Environmental Design):* Буюк Британия ва АҚШ криминологлари безорилик ва кўча жиноятларини камайтириш учун ҳудудларнинг архитектураси ва дизайнини ўзгартириш ёндашувини кенг қўллайдилар. Ушбу концепцияга кўра, кўчалар, истироҳат боғлари, бекатлар ва ер ости йўлаклари шундай лойиҳалаштириладики, у ерда табиий кўриниш *(кўз билан назорат қилиш)* даражаси максимал бўлади, жиноят содир этиш учун қулай бўлган қоронғи бурчаклар ва *"кўр зоналар"* йўқотилади. Инфратузилмани мунтазам яхшилаш, ёркин чироқлар ўрнатиш ва ҳудудни тоза сақлаш орқали *(Синган дераза назарияси асосида)* потенциал безориларнинг психологик мотивацияси сўндирилади[31].

➢ *Жанубий Корея ва Японияда "Рақамли гигиена" (Digital Hygiene)*[32] *ва Кибер-таълим:* Бу давлатларда рақамлаштириш даражаси ўта юқори бўлганлиги сабабли, мактаб ёшидан бошлаб ўқувчиларга ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш маданияти ўқитилади. Интернетда зўравонликни акс эттирувчи контентларни яратиш, томоша қилиш ва тарқатишнинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатлари бўйича махсус тренинглар ўтказилади. Бундан ташқари, Жанубий Корея полицияси ва ахборот технологиялари вазирлиги ижтимоий тармоқлардаги *(хусусан, ёшлар орасидаги стримлар)* зўравонлик контентини сунъий интеллект ёрдамида тезкор аниқловчи ва тарқалишидан олдин блоклайдиган махсус алгоритмлардан фойдаланади. Бу орқали *"хайп"* ва монетизация мақсадида содир этиладиган безориликнинг асл мақсади, яъни аудиторияга етиб бориши йўққа чиқарилади.

➢ *Германиянинг Виктимологик таълим дастурлари:* Leander Andres ва Marc Fabel каби немис олимларининг тадқиқотларига асосланиб[33], Германия мактабларида *"Bullying Investigation"* ва кенг қамровли виктимологик профилактика дастурлари жорий қилинган. Унда ёшларга кўчада ёки жамоат жойларида агрессив вазиятларга тушиб қолганда ўзини қандай тутиш, низони жисмоний куч ишлатмасдан сўз орқали ҳал қилиш *(деэскалация)* ва провокацияга берилмасликнинг психологик усуллари ўргатилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу орқали безориликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи жабрланувчининг виктим хулқ-атвори даражаси кескин камайтирилган.

➢ *Европа Иттифоқи ва АҚШда "Ғазабни бошқариш"*[34] *(Anger Management) курслари:* Йўллардаги агрессия *(Road rage)* ва маиший безориликни камайтириш

---

[30] *Губанов А.В.* Полиция зарубежных стран. Организационно-правовые основы, стратегия и тактика деятельности. – М.: МАЭП, 1999. // http://lawlibrary.ru/izdanie2348919.-html?ysclid=mtgxfk87py598997128

[31] *Каракетова Д.* Безорилик ва безори шахсининг криминологик тавсифи // Общество и инновации (Society and innovations). – 2021. – № 2/S. – Б. DOI: 10.47689/2181-1415-vol2-iss2/S-pp68-75. // https://www.researchgate.net/publication/351643897_Bezorilik_-va_bezori_sahsining_kriminologik_tavsifi

[32] "Information Morals Education" (Ахборот ахлоқи таълими) миллий дастури // Япония Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги (MEXT) расмий веб-сайти. – URL: https://www.mext.go.jp; // Шунингдек қаранг: Cybercrime Trends and Prevention Strategies in Republic of Korea // Жанубий Корея Миллий полиция агентлиги (KNPA) расмий ҳисоботи. – URL: https://www.police.go.kr

[33] *Andres L., Fabel M.* Gewaltprävention und Viktimologie an deutschen Schulen: Evaluationsstudie zum Programm "Bullying Investigation". – Berlin: Springer-Verlag, 2021. – S. 112–115.

[34] Federal Probation: A Journal of Correctional Philosophy and Practice // Administrative Office of the United States Courts. – Washington, D.C., 2021. – Vol. 85, № 2. – P. 34–40. *(Шунингдек қаранг: Court-Mandated Anger Management and Road Rage Offender Programs // National Institute of Justice (NIJ) Research Reports. – URL: https://www.ojp.gov).*

мақсадида, ҳуқуқбузарларга нисбатан жарима ёки қамоқ жазоси билан биргаликда психологик коррекция курсларини ўташ мажбурияти юкланади. Агар ҳуқуқбузар ушбу курсларни муваффақиятли тугатмаса, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси тикланмайди ёки пробация шартлари бузилган деб ҳисобланади. Бу усул жазонинг нафақат репрессив, балки қайта тарбияловчи ва даволовчи функциясини тўлақонли амалга оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқшунос олимларнинг илмий назарий ёндашувлар, хорижий давлатларнинг илғор институционал амалиёти ва замонавий криминологик тенденциялар асосида қуйидаги илмий-амалий таклифлар илгари суриш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

Биринчи муаммо ва унинг ечими: *“Трэш-стрим” (медиа-безорилик) хавфини бартараф этиш.* Яъни, юқорида таҳлил қилинганидек, бугунги кунда ёшлар томонидан кўчада бировни дўппослаш ёки жамоат тартибини бузиш жараёнини атайлаб видеога олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаш хавфли трендга айланган. Ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфи шундаки, у минглаб бошқа ёшларнинг онгини заҳарлайди ва зўравонликни нормал ҳолат сифатида тақдим этади. Олдинги параграфларда таклиф этилган *“Виртуал макондаги безорилик”дан (интернетда сўкиниш ва ҳақорат қилиш)* фарқли ўлароқ, бу ерда гап реал ҳаётдаги жисмоний безориликни интернетда намойиш қилиш ҳақида бормоқда.

Илмий таклиф сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси (Безорилик) 2-қисмини янги, оғирлаштирувчи банд билан тўлдириш ва жиноят қуроли сифатида техник воситаларни мусодара қилиш амалиётини қонуний мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Лойиҳа: Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми қуйидаги мазмундаги **“е” банди** билан тўлдирилсин: ***“е) телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида оммавий намойиш қилган (трансляция қилган) ҳолда содир этилган бўлса”***. Шу билан бирга, Олий суд Пленумининг тегишли қарорига кўрсатма киритиб, Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига *(Ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ҳал қилиш)* асосан, ушбу турдаги безориликни тасвирга олиш ва тарқатишда фойдаланилган техник воситалар *(смартфон, видеокамера ва ҳ.к.)* жиноят қуроли сифатида эътироф этилиши ва мажбурий тартибда давлат фойдасига мусодара қилиниши қатъий белгиланиши лозим.

Кутилаётган натижа: Бу ўзгариш *“хайп”* ва пул излаб безорилик қилувчи ёшларнинг асосий мотивини йўққа чиқаради. Қилмишни видеога олиб тарқатиш автоматик равишда жазонинг оғирлашишига ва қимматбаҳо техник воситасидан айрилишига сабаб бўлишини англаш кучли превентив *(олдини олувчи)* таъсир кўрсатади.

Иккинчи муаммо ва унинг ечими: *“Йўлда безорилик” феноменини психологик коррекция қилиш.* Яъни, тирбандликлар ва ҳайдовчилар орасидаги асаббузарликлар оқибатида автомобиль йўлларида ва чорраҳаларда безорилик *(автомобиль йўлини тўсиб қўйиш, бошқа ҳайдовчига ташланиш, транспорт воситасига қасддан шикаст етказиш)*

ҳолатлари авж олмоқда[35].

Амалиёт шуни кўрсатадики, бундай агрессив шахсларга нисбатан фақатгина маъмурий жарима қўллаш уларнинг психологик муаммоларини даволамайди ва рецидивнинг олдини олмайди.

Шу ўринда, илмий таклиф сифатида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тизимига профилактик-тиббий характердаги қўшимча мажбурлов чорасини киритиш. Яъни, МЖтКнинг Учинчи бобига *(Маъмурий жазо турлари)* ёки *"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"*ги қонунга ўзгартириш киритиб, йўл ҳаракати жараёнида содир этилган майда безорилик *(МЖтК 183-моддаси)* ёки тажовузкор бошқариш учун жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан *(жазодан ташқари)* суд қарори билан *"Ғазабни бошқариш ва стрессни енгиш" (Anger management)* бўйича мажбурий психологик коррекция курсларини ўташ вазифасини юклаш амалиётини жорий этиш. Ушбу курсни муваффақиятли тугатганлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этмагунга қадар уларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиб туриш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур таклифдан кутиладиган натижа шуки, ушбу чора йўллардаги агрессияни кескин камайтиради. Жазолаш тизими нафақат жарима ундириш функциясини, балки шахснинг руҳиятини тўғирлаш, унга ўзини бошқаришни ўргатиш ва қайта тарбиялаш *(тиббий-профилактик превенция)* функциясини ҳам бажаради.

Учинчи муаммо ва унинг ечими: Жабрланувчининг виктимлигини камайтириш ва мактаблардаги профилактика самарадорлигини ошириш. Яъни, статистик таҳлиллар ва кундалик ҳаёт кўрсатмоқдаки, аксарият безорилик жиноятлари жабрланувчининг провокацион ёки нотўғри ҳаракатлари *(сўкинишга сўкиниш билан жавоб бериши, вазиятни кескинлаштириши)* оқибатида келиб чиқади. Биздаги мавжуд ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими эса асосан фақат жиноятчига ёки потенциал ҳуқуқбузарга қаратилган. Мазкур *илмий таклифга кўра,* таълим муассасаларида виктимологик профилактикани *(жабрланувчига айланиб қолмаслик қоидаларини)* институционаллаштириш.

Лойиҳа: Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ўқув дастурларидаги *"Тарбия"* ва *"Ҳуқуқ асослари"* фанлари таркибига *"Низоли вазиятларда деэскалация (кескинликни юмшатиш) ва шахсий хавфсизлик қоидалари"* деб номланган махсус амалий ўқув модулини киритиш. Ушбу модул доирасида мактаб психологлари ва профилактика инспекторлари томонидан ўқувчиларга кўчада ёки жамоат жойларида агрессив шахсларга дуч келганда қандай йўл тутиш, сўзлашув орқали вазиятни юмшатиш, провокацияга учмаслик ва вазиятни қандай қилиб ҳуқуқий йўл *(ИИОга хабар бериш)* билан ҳал қилиш кўникмаларини симуляцион ва ролли ўйинлар орқали ўргатиш амалиётини жорий этиш.

Тўртинчи муаммо ва унинг ечими: Идоралараро рақамли интеграция ва мониторингнинг заифлиги. Яъни, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган безорилик видеоларини аниқлаш, улар оммавийлашиб кетмасдан олдин блоклаш ва жиноятни тезкор фош этиш тизими ҳали тўлақонли шаклланмаган. Шу сабабли ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаментининг Киберхавфсизлик маркази ҳамда Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси *("Ўзкомназорат")*

[35] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги *"Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги ПФ-27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й. – URL: https://lex.uz/docs/5749387

ўртасида сунъий интеллектга асосланган мониторинг тизимини яратиш.

Мазкур таклиф миллий интернет сегментида ва оммабоп ижтимоий тармоқларда зўравонлик, дўппослаш ва жамоат тартибини бузиш элементлари мавжуд бўлган видео ва стримларни автоматик равишда аниқловчи ва Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига гео-локация маълумотлари билан биргаликда зудлик билан сигнал берувчи интеграциялашган *"Cyber-Shield" (Кибер-қалқон)* алгоритмини амалиётга жорий этиш.

Кутилаётган натижа шундаки, бу орқали интернетдаги визуал контент асосида тезкорлик билан ҳодиса жойига етиб бориш, жиноятни иссиқ изидан фош этиш таъминланади, шунингдек, зарарли контентнинг бошқа ёшлар онгини заҳарлашининг олди олинади.

Тадқиқот параграфи доирасида амалга оширилган кенг қамровли таҳлиллар шуни кўрсатадики, безорилик жиноятининг криминологик тавсифи ва уни содир этишга имкон берувчи сабаб ҳамда шарт-шароитлар бугунги кунда ўзининг анъанавий, фақатгина жисмоний макон билан чекланган қолипларидан чиқиб, рақамли макон ва янги ижтимоий реалликлар билан узвий уйғунлашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ш.М. Мирзиёев* раҳнамолигида олиб борилаётган *"Янги Ўзбекистон"* ислоҳотлари доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш концепцияси нафақат содир этилган жиноятга қарши курашишни, балки унинг туб сабабларини – ижтимоий нотенглик, ёшларнинг бўш вақтининг мазмунсизлиги, оилавий тарбиядаги тизимли бўшлиқлар ва интернет маконининг салбий таъсирларини – бартараф этишни қатъий талаб қилмоқда.

Маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар, дарсликлар, суд-тергов амалиётининг статистик маълумотлари ҳамда замонавий журналистик материалларни чуқур академик ўрганиш асосида шакллантирилган юқоридаги илмий таклифлар безориликка қарши курашнинг янги босқичини бошлаб бериш салоҳиятига эга. Хусусан, безориликни интернетда трансляция қилганлик учун жиноий жавобгарликни оғирлаштириш ва техник воситаларни мусодара қилиш, йўлдаги агрессияга қарши мажбурий психологик коррекция курсларини жорий этиш, умумтаълим мактабларида виктимологик таълимни йўлга қўйиш ҳамда сунъий интеллектга асосланган кибер-мониторинг тизимини яратиш – буларнинг барчаси безорилик жиноятининг замонавий детерминантларига қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий ва ташкилий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу ёндашув давлатимизнинг жиноятчиликдан холи, инсон қадри улуғланадиган хавфсиз ва фаровон фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги стратегик мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.